«Ипак йўли бўйлаб туризм»

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан иқтисодиётнинг ўта сердаромад ва истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланган сайёҳликни ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда «Ипак йўли бўйлаб туризм» Тошкент халқаро туристик кўргазмаси муҳим ўрин тутади. Ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида у мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай ярмаркадан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг туристик маҳсулотини тақдим этиш, туризм саноатини ривожлантиришга янада кўмаклашиш, шунингдек, турли мамлакатлар сайёҳлик корхоналари ва ташкилотлари ўртасида амалий алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Бугун «Ипак йўли бўйлаб туризм» 5-Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ўз ишини бошлайди. Унда жаҳоннинг 35 мамлакатидан 150 дан ортиқ туристик фирмалар иштирок этади. Улар орасида жаҳон туризм саноатининг етакчилари бўлган Испания, Туркия, Миср, Германия, Таиланд ва бошқа мамлакатлар фирмалари бор.

Шуниси қувончлики, 5-Тошкент халқаро туристик ярмаркасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамкорлигидаги туристик пакет ҳавола этилади. У хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга самолётларимизда учиб келишидан бошлаб то диёримизда уларга хизмат кўрсатишнинг бутун бир мажмуини ўз ичига олади. Дарвоқе, пакет нархи ҳам мақбул — хорижий сайёҳлар учун каттагина чегирмалар кўзда тутилган.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Долзарб мавзу

Пойтахтдаги «Байналмилал» маданият марказида «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили» мавзуида илмий семинар бўлиб ўтди. Марказ раиси Карим Расулов юртимизда миллатлараро муносабатларни яхшилаш борасида қилинаётган ишлар устида тўхталди. Шундан сўнг, фалсафа фанлари доктори Саид Шермуҳаммедов ва профессор Қўчқор Хоназаров миллатлараро ҳамжиҳатликнинг аҳамияти, ижтимоий жараёнлардаги ўрни ва келгусида қилиниши керак бўлган вазифалар хусусида маъруза қилдилар.

— 130 дан ортиқ миллат вакилларининг тинч ва тотув яшашларини таъминлаш осон иш эмас. Бу азалдан инсонпарвар бўлган ўзбек халқининг қаҳрамонлигидир, — деди Саид Шермуҳамедов.

Семинар-машғулот ишида миллатлар маркази раислари, олий ўқув юрти талабалари иштирок этишди.

Шуҳрат ОРИФ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Халқ муҳаббати азиз

Ўзбекистон Бадиий академиясида таниқли мусаввирлар Дилёр Имомов ва Низомитдин Ҳолиқовларнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан шахсий кўргазмалари намойиши бўлиб ўтди. Академик Неъмат Қўзибоев, Рассомчилик ва дизайн институти ректори Саъдулла Абдуллаев ва Тўланбой Деҳқоновлар мусаввирларнинг ижодий йўли, ютуқлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзладилар. Санъат соҳасидаги изланишлари учун Дилёр Имомов академиянинг кумуш медали, Низомитдин Ҳолиқов Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

— Ижодкор учун халқ муҳаббатидан улуғроқ мукофот йўқ, — деди биз билан суҳбатда академик Рўзи Чориев.

Айтиш мумкинки, ҳар икки мусаввир ана шу мукофот соҳибларидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

ХДП хабари

Матбуот анжумани

1999 йил 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот марказида, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун, Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойи якунларига бағишланган, матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари И.Кочмарик, А. Рустамов, МК Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн, МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири С. Қурбонов ва МК масъул ходими М. Ельшов Қурултойнинг асосий қарорлари тўғрисида гапириб, журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 12 октябрь, сешанба • № 119 (25.514).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Марказий сайлов комиссиясида

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларида тенг шароитларни таъминлаш, сайловлар даврида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг Низоми, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисидаги йўриқнома, Марказий сайлов комиссиясига келаётган таклиф, мурожаат ва аризалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловлар жараёнини Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида кенг ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимовнинг ахбороти тингланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини Телерадиокомпания тизимидаги барча телевидение ва радио дастурларида қонунда белгиланган тартибда кенг ва ошкора ёритиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Виждон ҳисоб беради

Осойишта тараққиётнинг янги йўли ва ўзанига кирган Марказий Осиёнинг учта юртида, мана қарийб икки ойдирки ҳаловат бузилди. Нотинчлик туфайли Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон халқларида шов-шув, безовталик, ўша ғаламис жангариларнинг бебошлиги, калтабинлиги натижасида жаҳон афгор оммасида силкиниш.

Минг қатла шукрки, ЎзТВ, ЎзА, Туркистон-пресс ва «Жаҳон» ахборот агентликлари воқеа содир бўлган жойдан бор ҳақиқатни дунёга бор бутунича кўрсатиб, шарҳлар бермоқда. Улар фаолиятида юзакилик, алдаш йўқ. ТВ ходими жангарилар босиб олган қишлоқларнинг шундоқ ёнидан туриб кўрсатув олиб борди.

Халқимизда гап гапни урчитади, деган нақл бор. Қишлоқнинг бир чеккасида икки қўшни баланд овозда айтишиб қолса, зум ўтмай қишлоқнинг у чеккасига бу икки қўшни ҳақида — улар муштлашибди, қир-пичоқ бўлишибди, деган овоза тарқалар экан. Воқеага баъзи хориж матбуоти шундай узоқдан, бир чеккадан баҳо берди. Аслидачи?! Ўзбекистон Миллий оммавий ахборот воситалари бу мамлакатлардаги воқеа-ҳодисаларга холисона ёндошиб, шарҳламоқда.

Икки минг йиллик тарих яна гувоҳлик беради: боболаримиз араб истилоси-ю, мўғул қирғини, ўрис босқини Мовароуннаҳр, Туркистон ва Ўрта Осиё халқларини бирлаштирган, уларга қарши курашиб, ўз озодлиги, ҳурлиги учун жонфидо бўлганлар! Менинг кўз ўнгимга жангарилар жойлашган жойларда ўрис босқинига қарши отланган қирғиз момом — «Олой маликаси» Қурбонжон додхоҳ келди. Унинг турмуш ўртоғи ўзбек ўғлони бўлган. Ёки юз йил олдин Дукчи Эшон ўз қўшинлари сафини қирғизлар, тожиклар, уйғурлар ва бошқа миллат, элат вакиллари билан тўлдириб озодлик, эрк наърасини тортди.

Ҳушёрликка даъват

Тарихий ҳақиқат, ўтмиш олдида ҳар биримиз ожизмиз! Юртбошимиз тарихий ўтмишни чуқур билмай туриб, келажакни орзу қилиб бўлмайди, деган доно фикрларни айтган эди.

Биз бирлашиб, қўлни қўлга бериб, ойдин келажак — тараққий қилган давлатлар қуришимиз, жаҳон айвонида ўз овозимиз, ўз йўлимизга эга бўлишимиз лозим бўлган бир пайтда, ҳокимиятни қўлга олишнинг жангари йўлини тутганлар ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб оилалар қайғусига сабаб бўлмоқдалар. Ўша тоғу-тошларда қочиб, яшириниб, юмронқозиқдай у ерда, бу ерда кўриниб, отишмалар олиб бораётган кимсаларнинг ҳолига, умрига вой?! Буни улар тушуниб етганда, сўнгги пушаймон, ўзингга душман бўлиб қолишини ҳозир англаб йўл тутишини истардим. Буни ҳар қандай оқ кўнгилли инсон истайди.

Ҳозир ҳар бир жангари ўз виждони, инсоний ҳисси ва эътиқодига қарши жанг қилаётганини билармикин? Унинг мақсадсиз уруши ниҳоясига етиб бораётганини ҳис қилармикин? Ваҳшийлик, ёвуз ҳаракатлар, ёвуз ниятлари бор кимса қачон ўз мақсадига эришган?

Нафақат ўзбекистонлик, бутун Марказий Осиё давлатлари аҳли бундай хунрезлик, ваҳшийликка қарши эканлигини кундан кунга ҳис қилаяпмиз. Қирғизистон ҳукумати жангарилари йўқ қилиш учун энг сара мерганлардан иборат отряд тузди — боиси жанглар бўлаётган жойлар тоғу-тошлар ва қишлоқлар аҳлига катта талофат келтирмаган ҳолда фақат жангари-ғаламисни йўқ қилмоқ керак.

Тарих — ҳакам, ҳар қандай аянчли ярани вақт даволайди.

Илоё шундай бўлсин! Оллоҳ таоло кўриб турибди! Ғанимлар зўрлиги фаолияти узоққа бормайди.

Каримжон НОРМАТОВ

Карвон келар маррага

Шаҳрихон, «Бўстон», «Ҳақиқат», «Сардор», Маматов номли, «Ўзбекистон», Амир Темур номли, «Янги ҳаёт» жамоа ва ширкат хўжаликлари илғорлик қилдилар.

Шаҳрихонликлар шижоат билан пахта йиғим-теримини давом эттиряптилар. Улар яна 4600 тонна пахта топшириш ва ялпи хирмони 31 минг тоннага етказиш ҳаракатидалар. «Оқ олтин» карвонлари марра сари дадил бормоқда. Бугун-эрта Андижон тумани меҳнаткашлари ҳам зафарнома битадилар.

Андижон вилояти пахта топширишда мамлакатимизда карвонбошидир. Асака тумани пахтакорлари мамлакатда биринчи бўлиб маррага етиб, Президентимизнинг табригига сазовор бўлган эдилар. Олтинкўл, Марҳамат туманлари миришкорлари ҳам режадан ташқари пахта топшириб, Шаҳрихон тумани деҳқонлари эса 26350 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, зафар давонини эгалладилар. Ҳосилдорлик гектаридан 32 центнердан ошди.

Йиғим-терим мавсумида академик Т.Саримсоқов номли,

Ахмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: вилоят далаларида терим қизғин.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳақида

Ўтган кеча-кундузда Ўш вилояти жанубидаги вазият деярли ўзгармади. Қирғизистон Республикаси жангчилари террорчилар жойлашиши мумкин бўлган ерларга қарата ўт очмоқда. Алоҳида қуролли кучлар бўлинмалари жангарилардан озод қилинган жойларни тозаламоқда, кейин ўзлари жойлашган ерларга қайтиб келмоқда. Қуршовда қолган жангариларнинг ёриб чиқишига йўл қўймаслик учун тезкор ҳаракат гуруҳлари жалб этилган, Хўжа Очкан қишлоғи чегараларидаги ғорларда мавжуд вазият ҳар куни ўрганилмоқда. Жанговар отряд-лар етарли даражада ўқ-дори ҳамда ҳужумни бошқариш учун лозим бўладиган алоқа воситалари билан етарли даражада таъминланган. Вертолётчилар ҳар куни беш-олти марта жанговар сафарга учиб, ўз вазифаларини бажармоқда: махсус группаларни керакли жойларга қўндириб, Хўжа Очкан қишлоғи ҳудудига ҳаводан ракета зарбаларини бермоқда.

Террорчилар музокараларни чўзиш баҳонасида ўз истеҳкомларини мустаҳкамлаш учун вақтни ютиш пайида. Улар жазо кўрсатиш билан қўрқитган ҳолда маҳаллий аҳолини қуролли ҳужумлардан анча вақтгача сақлайдиган истеҳкомлар қуришга мажбур қилмоқда.

Айрим маълумотларга қараганда, бугунги кунда Хўжа Очкан атрофида бир неча юз жангари тўпланган. Душанба куни Бишкекда ўтказилган брифингда эса, Қирғизистон Президентининг матбуот котиби Канибек Иманалиев ҳозир у ердаги жангарилар сони юзга етмаслиги, қолганлари майда-майда гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб кетгани ҳақида баёнот берди.

Шунга қарамасдан, Қирғизистон ҳукуматининг қўшинлари ҳал қилувчи жангга тайёрланмоқда. Чунки террорчилар ҳалиҳануз Боткенда ўрнашиб қолиш фикридан воз кечгани йўқ. Буни Зардоли қишлоғи озод қилинганидан сўнг, у ердан жангарилар қишки мавсум учун тайёрлаб қўйган 1,5 тонна ўсимлик ёғи, 30 тонна ғалла, шунингдек, кўп миқдордаги гўшт маҳсулотлари топилгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев бир ярим ой мобайнида жанговар ҳаракатлар давом этаётган жойлардаги вазият билан танишиш учун мамлакат жанубига келди. У Қирғизистон газеталари мухбирлари билан суҳбатда давлат ҳудуди яқин кунларда босқинчилардан озод қилинишини айтди.

Н. МУҲАММАДИЕВ
(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 12 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	89,50	10 Люксембург франки	36,07
1 Австрия шиллинги	10,57	1 Малайзия ринггити	35,87
1 Англия фунт стерлинги	224,96	1 Германия маркаси	74,40
10 Бельгия франки	36,07	1 Польша злотийси	33,35
1 Голландия гульдени	66,03	1 СДР	188,71
10 Греция драхмаси	4,44	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	19,58	1 Финляндия маркаси	24,47
1 БАА дирхами	37,11	1 Франция франки	22,18
1 АҚШ доллари	136,28	1 Швейцария франки	91,34
1 Миср фунти	39,96	1 ЕВРО	145,51
10 Испания песети	8,75	10 Жанубий Корея вони	1,13
100 Италия лираси	7,51	10 Япония иенаси	12,67
1 Канада доллари	92,69	1 Россия рубли	5,30
1 Хитой юани	16,46	1 Украина гривнаси	30,65

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Миллат ва маънавият

Замонавий кутубхона қандай бўлиши керак?

Кутубхоналар ўз хазиналарида инсоният хотирасини жамлайди. Улардаги миллионлаб китоблар, газета-журнал тахламлари, турли ҳужжатлар қадимдан бугунги кунгача бутун олам ва бани одам ҳақида турфа хил маълумот беради, китоблар қатида «паноҳ топган» туйғулар, кечинмалар китобхон дилига оқиб ўтиб, янгича ҳиссиётлар уйғотади. Шу маънода кутубхона ҳам илму урфон тарқатувчи, ҳам фазлу адаб ўргатувчи маскандир.

Ҳозирги техникавий тараққиёт бутун дунёда кутубхоналар қиёфасининг ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда. Кутубхона жараёнларининг автоматлаштирилиши, китобларнинг компьютерлар хотирасига кўчирилиши, машина «ўқийдиган» матнларнинг пайдо бўлиши, лазер компакт дисклари, седером ва бошқа воситаларнинг кенг тарқалиши туфайли замонавий кутубхоналар АХБОРОТ МАРКАЗИга айлана бошлади. Бу эса, ахборот технологиясининг жадал ривожланишига туртки берди. Эндиликда, жаҳонда ҳар ярим йилда ахборот технологияси бобида ўзига хос илмий-техникавий инқилоб бўлиб туради. Яъни, янгича дастурий воситалар, маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва шакллантиришнинг янгича воситалари, ахборот узатишнинг янгича имкониятлари пайдо бўлади. Бугунги кунда қайси соҳада бўлмасин дастурий компьютер воситаларисиз бирон сезиларли ютуқни қўлга киритиш амри маҳол. Янгича билимларни эгаллашнинг ўзи ҳам янгича шаклларга ўтмоқда. Бу жараёнда кутубхоналарга, ахборот жамғармаларига, ахборот ресурсларини шакллантиришнинг усул ва воситаларига тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари бўйича билим олиш бугуннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу эса турли соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишларини, мулоқотларини, кўндаланг турган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларини талаб қилмоқда. Ана шундай анжуманлардан бири ҳар йили Қримда ўтказиладиган «Ўзгарувчан оламда кутубхоналар ва ассоциациялар: янги технологиялар ва янгича ҳамкорлик шакллари» деб аталувчи конференция ҳисобланади. Бу йил олтинчи марта ўтказилган мазкур конференциядан дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан мингга яқин мутахассис қатнашганининг ўзиёқ кутубхоначилик ишини, ахборот ресурсларини ривожлантириш муаммоларига қизиқишнинг нақадар катталигини кўрсатиб турибди.

АҚШнинг Халқаро кутубхона - ахборот ва таҳлил маркази ҳам ҳар йили кутубхона - ахборот ресурсларига бағишланган семинарлар ўтказиб келади. Бу йил унинг мавзуси «АҚШда кутубхоначилик иши, ахборот тизимлари ва таълим» деб белгиланди. Бундан ташқари кутубхоналар ассоциациялари ва муассасалари Халқаро Федерацияси (ИФЛА)нинг ҳар йили ўтказиладиган Бош конференцияларида ахборот технологиялари масаласи муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон кутубхоналарида компьютер техникасини қўллаш ишига эндигина киришилмоқда. Лекин, шуниси борки, бутун дунёда кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш бобида тўпланган тажрибадан омилкорлик билан фойдаланиш бизнинг бу соҳадаги ишимизни жадал суръатларда амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун аввало кутубхоначилар ва ахборот технологияси бўйича мутахассисларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш лозим. Тўғри, республикамизда ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Аммо уларни кутубхона ресурсларидан фойдаланган ҳолда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида қўллаш ҳали йўлга қўйилган эмас. Ваҳоланки, бу ерда жамиятимиз равнақи учун битмас-туганмас имкониятлар мавжуд.

Шу йил 11-15 октябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Кутубхоналарнинг ахборот ресурсларини фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида қўллаш» мавзуидаги Халқаро конференция улкан эҳтиёж ва зарурат мевасидир. Конференцияни Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Республика фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Ўзбекистон Ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази, Халқаро кутубхона — ахборот ва таҳлил Маркази (АҚШ) ва Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонаси ташкил этган. Унинг бош ҳомийси — Ўзбекистон Очиқ Жамият институти (Сомот базаларини таълим, маданият, фан ва бизнесда қўллаш соҳасида фаол иш олиб бораётган кишиларга мўлжалланган. У ахборот тизимларини яратиш, хаётнинг турли жабҳаларида Интернетдан фойдаланиш тажрибасини ўрганувчилар ва ўз фаолиятидаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида шериклар, инвесторлар топишга интилганлар учун жуда фойдали бўлади. Конференция дастурида кутубхоначилик масалаларига хусусан, кутубхона жамғармаларини шакллантириш, электрон кутубхоналар яратиш, халқаро библиография айирбошлаш, кутубхонада Интернетдан фойдаланиш кабиларга алоҳида ўрин ажратилган. Конференция доирасида Ғарб мамлакатларидан келган етакчи мутахассислар ўзбекистонлик кутубхоначилар учун автоматлаштирилган кутубхона тизимларидан ва электрон маълумот базаларидан фойдаланиш бўйича семинарлар ўтказиши кўзда тутилган.

Конференция ишида АҚШ, Англия, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларидан мутахассислар иштирок этиш истагини билдиришган. Кутубхоначилар ва ахборот технологиялари мутахассисларининг бирдамлигида ўтажак бу конференция мамлакатимизда кутубхоначилик ишининг ривожланишига, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришнинг жадаллашувига, кутубхона ресурсларидан турли соҳаларда фойдаланиш самарадорлигининг ошиши жамиятимизнинг янада ривож топишига янги бир омил бўлади, деган умиддамиз.

Марат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
техника фанлари доктори, профессор.
Абдусалом УМАРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

«Обуна — 2000»



«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари

*Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг партия III Қурултойидаги (8.10.1999) маърузаси **

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги III Қурултойи мураккаб ва зиддиятли аср сифатида тарихга кираётган XX юз йилликнинг ниҳояси, XXI аснинг бўсағасида бўлиб ўтаётир. Мазкур даврнинг биз учун муҳим хусусиятларидан бири шуки, унинг сўнгги ўн йиллигида миллий мустақилликка эришган эллар, шу жумладан ўзбек халқи, мустабидчилик тизимини қўпориб ташлаб, янги, замонавий давлат, адолатли жамиятни қуришга киришдилар.

Ушбу тарихий жараёнларнинг мамлакатимиздаги ҳосиласи сифатида шаклланган партиямизнинг ўзи ҳам, уларнинг кучли таъсири остида бўлиш билан бирга, мазкур жараёнларга муайян таъсир кўрсатмоқда.

Қурултойимиз, шу вобасталикдан келиб чиққан ҳолда, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиши ва истиқболларига оид, ўз қарашларини билдириши, шу борадаги таклифларини жамиятга тақдим этиши, партиянинг устувор вазифаларини белгилаши лозим.

Ўзбекистон демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш йўлида

Партиямизнинг навбатдан ташқари II Қурултойидан буён ўтган беш йиллик ташкилотимизнинггина эмас, балки, бутун мамлакатимиз ҳаётида ҳам муҳим босқич бўлди. Унинг давомида бозор ўзанларидаги иқтисодий ислоҳотларни ўтказишдаги изчиллик мулкий муносабатларни такомиллаштириш имкониятини туғдирди.

Туб ислоҳотларнинг чуқурлашиши натижасида, макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулотнинг муттасил ўсишига эришилди. Давлат инвестициялари ва хорижий сармояларнинг тўғри йўналтирилиши туфайли, юртимизни саноатлаштиришнинг янги босқичи бошланди: замонавий техника ва технология билан қуролланган юзлаб корхоналар бунёд этилиб, улар харидоргир, экспортбоп маҳсулот чиқара бошладилар. Кўплаб янги корхоналар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон нефть ва нефть маҳсулотлари соҳасида мустақилликни қўлга киритди, дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан жой олди. Хориждан келтирилаётган кўплаб зарур товарларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самара бера бошлади. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича, давлат буюртмалари кўпчилик соҳаларда мунтазам бажарилмоқда. Ўзбекистон ғалла мустақиллигига ҳам, асосан, эришди.

Юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жараёнларининг устувор йўналишларидан бири — аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш сиёсатида муҳим ўзгариш юз берди: мустақиллигимизнинг илк босқичида қўлланилган, аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тамойилидан уни ишончли кафолатлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтилди. Ижтимоий ҳимоя, биринчи навбатда, аниқ мақсадли тарзда ташкил этилиб, у аҳолининг энг муҳтож, ночор, мададталаб табақаларига қаратилди.

Янги иш ўринларини очиш ва ишсизларни янги касб-ҳунарларга ўргатиш, майда ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали оммавий ишсизликнинг олди олинмоқда. Маошлар, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўлаш ҳамда, нарх-навонинг ўсишига қараб, уларни индексациялаш чора-тадбирлари вақтида кўриб борилмоқда.

Кишиларнинг моддий ва ижтимоий-сиёсий талаб ҳамда эҳтиёжларини қондириш мақсадида, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш давлат дастурини бажариш давом эттирилди, аҳолини табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, маданий, маиший ва тиббий хизмат кўрсатилиши яхшиланди. Спорт ва соғломлаштириш масалаларига эътибор кучаймоқда. Инсон манфаатлари, Оила ва Аёллар йиллари доирасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жамиятимизда, оила, аёлларнинг мавқеини юксалтиришга қаратилган, кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Шулар боис, мамлакатимизда, мураккаб ўтиш даврида юзага келиши мумкин бўлган, ижтимоий кескинлик учун замин йўқ.

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг маънавий янгиланиш билан уйғун олиб борилиши ортда қолган йилларда янада яққолроқ намоён бўлди: Ватан тарихини холисона тадқиқ этиш орқали халқимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганилаётганлиги; «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрларни тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизими ислоҳ қилинаётганлиги; миллий маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар туғдирилганлиги, ватандошларимизни, жумладан ёш авлодни, миллий истиқлол руҳида тарбиялаш масалаларига давлат томонидан эътибор ошаётганлиги шулар сирасига киради.

Кейинги беш йил мобайнида республика Олий Мажлиси томонидан кўплаб кодекс, қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши билан миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди. Жамиятни демократиялаштириш жараёнлари чуқурлашиб, фуқароларнинг конституциявий эркинлик ва ҳуқуқларини таъминлаш йўлида суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, ҳуқуқни муҳофаза этувчи турли институтлар фаолият кўрсатмоқда, кўппартиялилик тизими такомиллашмоқда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ошмоқда.

Мамлакатимиз фуқароларининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида жиноятчилик, наркобизнес ва коррупцияга қарши курашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ишига талаб оширилиб, аҳоли яшаш жойларида тартибни сақлашга кенг жамоатчилик жалб этилмоқда.

Миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор жиддий тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, республикамизнинг ташқи хавфсизлигини кафолатлаш, халқаро ҳаётнинг турли соҳаларида хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти-(Осиё), МДҲ, қатор халқаро молия муассасалари, Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари кенгаши, бошқа турли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамда кўплаб мамлакатлар билан икки томонлама алоқалар ривожланди, ўнлаб битим ва шартномалар имзоланди, долзарб муаммоларга бағишланган анжуманлар ўтказилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи маконга айлантириш тўғрисидаги ташаббуси ва Афғонистон муаммоларига бағишланган «олти қўшув икки» учрашувини ўтказиш ҳақидаги таклифи жаҳон жамоатчилиги, БМТ, нуфузли давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгаймоқда.

Бироқ, мамлакатимиз бошдан кечираётган ўтиш даври силлиқ, қийинчилик ва нуқсонларсиз ўтмоқда, деб бўлмайди. Жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг суст бораётганлиги, кўпгина корхона ва хўжаликларнинг бозор муносабатлари талабларига мослаша ололмаётганликлари, турли сунъий тўсиқларни четлаб ўтолмаётган юзлаб кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг тўхтаб қолиши ёки синаётганлиги, аҳолининг бир қисмидаги боқимандалик ва текисчилик кайфиятининг бартараф этилмаганлиги каби камчилик ҳамда иллатлар жамиятимизнинг илдам боришига жиддий халақит бермоқда. Мустақиллигимизни кўролмайдиган очиқ ва пинҳона ғаниллар вақтинчалик қийинчиликларимиздан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринаётганликлари ҳам сир эмас. Тошкентдаги 1999 йил 16 февралдаги террорчилик амаллари ва қўшни Қирғизистоннинг, чегараларимизга яқин, Боткен туманидаги қатор қишлоқларга кириб олган жангариларнинг жиноятлари шундай уринишлардандир. Аммо, «ит ҳуради, карвон ўтади», деганларидай, истиқлол душманлари қанчалик чиранмасинлар, улар халқимизни танлаб олган йўлидан сира оғдира олмайдилар. Биз ҳеч қачон ортга қайтмаймиз!

Хуллас, ортда қолган давр мамлакатимиз учун мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли жамиятни барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, ватандошларимизнинг маънавий дунёсини янгилаш, бунёдкорлик йиллари бўлди.

Ўзбекистон ХДП — мамлакатдаги нуфузли сиёсий куч

1994 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ялпи сайловлар натижасида, республика Олий Мажлисида муҳим ўрин эгаллаган, Ўзбекистон ХДП парламент партияси мақомини олди. Бу — партиямизнинг катта ютуғи.

Аммо, айрим минтақаларда партиямиздан парламентга сайланган депутатлар сони арзигулик бўлмаганлиги сабабларининг чуқур таҳлили, кўп ҳолларда, мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олмаганлигимизни кўрсатди. Биз, ўшандаёқ, бундан тегишли сабоқлар чиқариб, **ташкилотимизнинг маҳаллий ва марказий тузилмалари ҳамда бошланғич бўғинини мустаҳкамлаш** йўлини тутдик.

Партия Марказий Кенгаши ва маҳаллий партия ташкилотлари аксариятининг кейинги беш йил ичидаги фаолиятининг таҳлили унда бу масалалар устувор бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, Марказий Кенгаш пленумларида партия тузилмаларини такомиллаштириш, ҳудудий бошланғич ташкилотларни партиянинг асосий қуйи бўғинига айлантириш, маҳаллий партия кенгашлари фаолиятини талаблар даражасига кўтариш, мамлакатимизнинг маънавий ҳамда демократик янгиланишида ташкилотларимизнинг иштирокини янада кучайтириш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ва Котибиятининг, ўз навбатида, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри, қатор туман ва шаҳар кенгашларининг партия сафларини кенгайтириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, молиявий-ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш, сафдошларимиз фаоллигини ошириш борасидаги ишларини ўрганиш асосида қабул қилган қарорларида камчиликлар кўрсатилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳамда жойларда олиб борилган мақсадли ташкилотчилик ишлари ўз самарасини берди. Ўтган беш йил давомида партиямиз сафлари 182 мингтага ўсиб, унинг аъзоларининг умумий сони, бугунга келиб, 526 минг нафардан ошди. Бошланғич партия ташкилотларининг сони эса, шу давр ичида, 12 минг 456 тадан 14 минг 464 тагача ёки 2008 тага кўпайди. Бу нима дегани? Бу мамлакатимизнинг кўплаб муносиб фуқаролари ўз тақдирларини Ўзбекистон ХДП билан астойдил боғлаётгани, партиямизнинг бошланғич бўғини ташкил этилган меҳнат жамоалари ва маҳаллалар сони кўпайиб бораётгани, деганидир. Аҳоли истиқомат жойлари ва сайлов округларида ҳудудий партия ташкилотларининг кўплаб тузилаётганлиги айни муддаодир. Агар 1994 йилда барча бошланғич партия ташкилотлари орасида уларнинг салмоғи 27 фоизга яқин бўлган бўлса, жорий йилга келиб, бу кўрсаткич қарийб 10 фоизга ошди. Тошкент шаҳар, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республика партия ташкилотлари бу ишда пешқадамлик қилмоқдалар. Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари қатор шаҳар ва туман партия ташкилотларида эса бу масалага муносабат кўнгилдагидай эмас.

Партия сафлари таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш масалалари ҳам эсдан чиқарилмади. Зиёлилар, аёллар ва ёшларни ХДПга жалб қилиш бирмунча яхшиланди. Ҳисобот даврида партияга қабул қилинган аёллар сони муттасил ошиб, ҳозир улар сафдошларимизнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадилар. Беш йил давомида 93 ярим минг нафар, 30 ёшгача бўлган, йигит ва қизлар ХДПга аъзолик билетларини олдилар. Ҳозир уларнинг партиямиздаги умумий сони 135 мингтага яқинлашди. ХДП аъзоларининг мутлақ кўпчилиги — олий, тугалланмаган олий ёки махсус ўрта маълумотга эга бўлган фуқаролардир. Уларнинг орасида 1664 нафар академик, фан докторлари ва номзодлари, профессорлар, шунингдек, таълим, тиббиёт ва маданият тизимларининг кўплаб ходимлари, талаба ва ўқувчилар борки, бу партиямизнинг бой ақлий салоҳиятидан далолатдир.

Марказий Кенгаш партия олдида турган муҳим вазифаларни адо этиш, ташкилотларимизнинг етакчиларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини инобатга олиб, раҳбар партия ходимларини танлаш ва жойжойига қўйиш масалаларига биринчи даражали иш, деб ёндошди. Эгаллаб турган лавозимига лойиқ, астойдил меҳнат қилиб, ташкилотнинг обрўйини оширишга эришган раҳбарлар қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилди, бир қатор вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларининг ношуд раҳбарлари ғайратли, муносиб кишилар билан алмаштирилди. Бугунги кунда, кўпчилик партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига раҳбарлик қилаётгани ХДП дастурий ғоялари ва ислоҳотлар ишига садоқатли, одамларни уюштириш ва ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга бўлган, жонқуяр кишилар десак, янглишмаймиз. Улар партиямизнинг энг катта бойлигидир!

Шундай бўлса-да, кадрлар билан ишлаш соҳасидаги ишларни бенуқсон, деб бўлмайди. Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари, қатор шаҳар ва туман партия кенгашлари котибларининг тез-тез алмашиб турганлиги жойлардаги ташкилотларимиз фаолиятига ҳам, умумпартиявий ишларимизга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу йилнинг апрель-июль ойларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиш ва конференциялари жараёнида партия сайланма органлари таркибининг муайян даражада янгиланганлиги, кўплаб ташкилотлар раҳбарлигига янги, замон талабларига монанд ишлайдиган кишиларнинг келганлиги бизни қувонтиради.

Ҳисобот даврида партиямиз диққат марказида турган устувор масалалардан бири — **мафкуравий ишлардир.** Бунинг асосий сабаблари — мамлакатимиз ривожланишининг мазкур босқичида маънавият аҳамиятининг кескин ошганлиги ҳамда 1994 йилги сайловлар натижаларидан чиқарилган хулосалар асосида тарғибот-ташвиқот ишларини жиддий яхшилаш, аҳоли ўртасида, ХДПнинг дастурий ғояларини кенг тарқатиш орқали, партиямизнинг таъсирини кучайтириш зарурлигидир.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ислоҳотлар сиёсати янги босқичининг мазмун-моҳияти, миллий ва умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилишда давлат идоралари, жамоат ташкилотларига кўмаклашишни Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан уйғун олиб боришга интилдилар.

Партия ташкилотлари бу ишда ўзларининг тарғибот гуруҳлари, «Маърифат» ва ахборот марказлари, сиёсий клублар, газеталар ҳамда уларнинг тасарруфида бўлмаган маданият уйлари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари, турли клублар, маҳаллий матбуот нашрлари, телевидение ва радиодан, оммавий-сиёсий ишларнинг ранг-баранг шакл ва усулларидан кенг фойдаландилар. Улар тўплаган ибратли ишлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Андижон вилояти партия ташкилотининг мафкуравий, оммавий-сиёсий ишлар таянч нуқталари — «Маърифат» марказларини тузиш соҳасидаги тажрибасини бутун партияда кенг ёйиш мақсадида, МК Котибиятининг махсус қарори қабул қилинди, матбуотда унга оид мақолалар чоп этилди. 1996 йилда Андижонда ўтказилган республика кўргазмали семинари жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган партия кенгашлари котиблари қатор меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда бўлиб, улардаги «Маърифат» марказлари фаолияти билан бевосита танишдилар. Ҳозир, партиямизда, шундай марказлардан 3 мингтаси фаолиятини кўрсатаётир.

Марказий Кенгаш партия ташкилотлари фаолиятининг бошқа соҳаларида тўпланган ижобий тажрибани ҳам ўрганиб, уларнинг, эндиликда, «Жонкуяр бунёдкорлар партияси» номли тўпламга кирган, умумлашмаларини матбуот саҳифаларида эълон қилиб борилишини таъминлади. Шунингдек, Марказий Кенгаш томонидан Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказилган республика ҳамда минтақавий семинарларда, маҳаллий партия кенгашлари ташкил этган анжуманларда ҳам тажриба алмашишга етарли аҳамият берилди.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғояларини оммалаштириш, унинг жорий сиёсати ва амалий ишлари тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам ва тезкорлик билан хабардор қилишда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Партиямиз марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналининг, мавжуд қийинчиликлар боис, аддалари бирмунча камайган бўлса-да, улар республикамизнинг етакчи матбуот нашрлари қаторидан мустаҳкам ўрин тутиб келмоқдалар. Қорақалпоғистон рескенгашининг «Қорақалпоғистон ҳаузаси», Наманган ва Самарқанд вилоят партия кенгашларининг «Халқ иродаси», «Регистон» газеталари ҳам газетхонларнинг эътиборини қозондилар. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят партия кенгашлари «Қашқадарё эфирда» ва «Ҳалқ йўли» номли ўз газеталарини ҳаммуассисликда чиқаришни йўлга қўйдилар.

Ушбу нашрлар, партия ҳаётини мунтазам ёритиш, унинг дастурий ғояларини тарғиб этиш билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, ислоҳотларнинг бориши тўғрисида ўқувчиларни хабардор қилиб туриш ишига ўз улушларини қўшмоқдалар.

Партия Марказий Кенгаши матбуот масалалари билан мунтазам шуғулланмоқда. Газета ва журналимизга йиллик обунани уюштириш, уларнинг фаолиятини йўналтириш, ижодий ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш масалалари унинг доимий диққат марказидадирлар. Ўйлаймизки, ташкилотларимиз матбуотимизга бундан кейин ҳам ўзларининг маънавий ва моддий кўмакларини аямайдилар, нашрларимизнинг ижодий жамоалари, ўз навбатида, мамлакатимиздаги ислоҳотлар, партиямизнинг сиёсий ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтирадилар.

Олдимизда турган улкан вазифалар биздан мафкуравий ишларни такомиллаштириш устида тинмай ишлашни, уларда баъзан учраётган юзакичилик, мавсумийликдан халос бўлишни, маъруза ва суҳбат, мулоқот ва анжуманларимизга, иложи борича, кўпроқ одамларни тортишга эришишни, ёшлар тарбиясининг самарадор шакл ва воситаларини қўллашни, партия матбуоти нашрларининг мазмунини бойитиш, уларга обунани уюшқоқлик билан ўтказишни талаб қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида парламентчилик иши алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, парламент — унинг дастурий мақсадларини қонуний йўллар билан рўёбга чиқаришнинг ягона конституциявий воситаси. Ҳисобот даврида партиядан сайланган барча даражадаги депутатларнинг асосий вазифаси Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этиш, минтақавий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш, ислоҳотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва унинг амалга оширилишига фаол иштирок этишдан иборат бўлди. Шу йўналишда, биринчи навбатда, партиядан сайланган депутатларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб, уларнинг ўз депутатлик бурчларини тўла-тўкис бажаришларига ташкилий ва ахборот-таҳлилий ёрдам кўрсатиб келинди. Шу мақсадда, республика Олий Мажлисида Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси, маҳаллий Кенгашларда — депутатлик гуруҳлари тузилди.

Фракция раҳбарияти Олий Мажлиснинг Кенгаши, Котибияти, қўмиталари ва уларнинг таркибидаги ХДП вакиллари билан амалий алоқалар ўрнатди, қонунлар лойиҳаларини фракция йиғилишларида муҳокама этишни йўлга қўйди, тушган таклиф ҳамда истакларни саралаб, парламент сессиялари олдидан тузиладиган махсус ишчи гуруҳларига юбориб турди. Фракция аъзоларининг кўпчилиги сессиялар ишида фаол иштирок этди. Жами бўлиб, 15 та сессияда, улар 82 марта маъруза қилдилар ва 194 марта, улар бўйича, муҳокамаларда қатнашдилар. Беш йил давомида фракциямиз томонидан парламент Котибиятига, қонунлар лойиҳалари юзасидан, тақдим этилган таклифларнинг умумий сони қарийб 1500 тага етди. Демак, фракциямиз аъзолари Олий Мажлис фаолиятига ўз ҳиссаларини баҳоли қудрат қўшдилар. Шу билан бирга, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси олдидан, унинг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ва тақдим этилган қонунлар лойиҳалари бўйича, ўзининг нуқтаи назарини ишлаб чиқиб, фракция аъзоларига тавсиялар бериб турди. Партия ташкилотлари вакилларимизга ўз депутатлик вазифаларини бажаришларига амалий ёрдам сифатида 2000тадан зиёд депутат қабулхоналарини очди. Уларда фуқаролардан тушган 250 мингтадан зиёд мурожаатлар кўрилиб, шундан 75 фоизи ижобат топди, қолганлари тегишли ташкилотларга жўнатилди. Депутатларимиз ўз сайловчилари билан 2100 мартадан кўпроқ учрашиб, уларга мунтазам ҳисобот бериб турдилар.

Олий Мажлиснинг ишини кенг ёритиб келаётган газеталаримиз халқимизни партиямизнинг парламентчилик иши, депутатларимиз фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилиб келдилар.

Умуман олганда, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси парламентимиз ишида фаол иштирок этди. Партиямиз эса парламентчилик соҳасида муайян тажриба тўплади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий майдонида фаолият кўрсатаётган ягона ташкилот эмас. Ҳозирнинг ўзида республикамизда унинг билан ёнма-ён ҳаракат қилаётган 2500 тага яқин нодавлат нотижорат ташкилот, бешта сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа муассаса ва бирлашмалар мавжуд. Улар билан ўзаро манфаатли алоқалар боғлаш биз учун ўта муҳимдир. Партиямиз шундан келиб чиқиб, республика Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Байналминал маданият маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Экосан» жамғармалари, Ўзбекистон — Ёзувчилар уюшмаси ва Ногиронлар жамияти, қатор бошқа нодавлат бирлашмалари ва диний ташкилотлар билан битимлар асосида ҳамкорлик қилдилар.

Шакллари хилма-хил бўлган ушбу ҳамкорлик, асосан, ватандошларимизни юртимиздаги тинчлик ва тотувликни асрашга даъват этиш, биргаликда турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, аҳолининг мададталаб гуруҳларини қўшимча ижтимоий ҳимоялашни ташкил қилиш йўналишларида ривожланмоқда. Партия ташкилотлари жойлардаги давлат идоралари, корхона ва хўжаликлар маъмурияти, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан ушбу соҳада якдил ҳаракат қилиб, фуқароларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлмоқдалар.

Қурултойлар оралиғидаги йиллар партиямиз **учун халқаро алоқаларни кенгайтириш** даври бўлди. Улар партия йўли билан ва парламентдаги фракциямиз орқали амалга оширилди. Жумладан, қатор хорижий турдош сиёсий партиялар, Социалистик Интернационал, халқаро ташкилотлар(БМТ, ЕХҲТ, Европа Кенгаши, Европа парламенти, ГФРнинг Ф. Эберт ва К. Аденауэр жамғармалари) вакиллари, АҚШ Давлат департаменти ва Миллий демократик институти масъул ходимлари, Россия, Украина, Озарбойжон, Польша, Словакия, Швейцария каби ўнлаб давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари билан Марказий Кенгашда бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, кўпгина вакилларимиз партия ё парламент делегациялари таркибида ёинки бошқа тусдаги сафарлар давомида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Хитой, Ҳиндистон, Японияда бўлиб, улардаги сиёсий партияларнинг фаолияти, парламентчилик тажрибасини ўргандилар.

Бу мисоллар Ўзбекистон ХДПнинг халқаро алоқалари кенгайиб, унинг хорижий сиёсий партиялар ва халқаро ташкилотлар ўртасида эътибор қозонаётганлигидан далолат беради.

Партия фаолиятининг яна бир муҳим соҳаси — молиявий-хўжалик ишларидир. Ўтган давр давомида Марказий Кенгаш партия фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масаласида, умумий иқтисодий аҳвол ва ташкилотимизнинг имкониятларини инобатга олиб, ўз-ўзини молиялаш йўлидан оғишмай боришни давом эттирди. Маҳаллий партия ташкилотлари олдига уларнинг ихтиёридаги моддий-техника воситаларидан оқилона фойдаланиш, аъзолик бадалларини йиғиб олишда тартиб ўрнатиш, ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш вазифалари қўйилди ва уларнинг ижроси устидан тегишли назорат ўрнатилди. Маҳалий партия ташкилотларининг кўпчилиги масалага масъулият билан ёндошганлиги боис, барча қийинчиликларга қарамасдан, бюджет танқислигини бирмунча юмшатиш мумкин бўлди.

Умуман олганда, ўтган беш йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ўз сафларини кенгайтириш ва тузилмаларини такомиллаштириш, барча соҳалардаги фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳоли турли гуруҳлари билан алоқаларини ривожлантириш, жамиятда ўз мавқеини ошириш даври бўлди.

Янги таҳрирдаги Дастурни қабул қилиш — давр тақозоси

Марказий Кенгашнинг XX пленуми Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастурини ишлаб чиқиб, уни партиянинг навбатдаги қурултойига тақдим этишга қарор қилган эди. Чунки: партиянинг амалдаги Дастури қабул қилинганидан буён ўтган йиллар давомида унда илгари сурилган ғояларнинг талай қисми амалга оширилди; мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёнида ижтимоий-сиёсий ҳаётда жиддий ўзгаришлар содир бўлди; янги жамиятни қуриш амалиёти ва назарияси бойитилди, туб янгиланиш йўлидаги янги вазифалар гавдаланди.

Шулардан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш махсус комиссияси Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури лойиҳасини тайёрлади ва Сиёсий ижроқўм уни асосан маъқуллаб, партия фаоллари ҳукмига ҳавола қилди. Лойиҳа жойлардан тушган таклиф, фикр-мулоҳазалар негизида такомиллаштирилиб, бугун Қурултойга тақдим этилмоқда.

Партиямизнинг янги таҳрирдаги Дастури олдингисидан нималар билан фарқ қилади? Энг аввало, шуни айтиш керакки, янги таҳрирдаги Дастур лойиҳасида халқимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган тарихий ютуқларига партиямизнинг сиёсий баҳоси, мамлакатимиз бошдан кечираётган ҳозирги ўтиш даврининг муҳим хусусиятлари ҳамда унинг давомида ҳал қилиниши лозим бўлган асосий ижтимоий-сиёсий вазифалар акс эттирилди. Албатта, Дастурнинг олдинги матнида буларнинг бўлиши, улар кейинчалик содир бўлгани сабабли, ҳеч ҳам мумкин эмас эди.

Маълумки, 1993 йилнинг декабридан буён партиямизнинг яна бир дастурий аҳамиятга молик ҳужжати — Миллий истиқлол мафкураси мавжуд эди. Ҳаёт унда ифода этилган қоидаларнинг мамлакатимиз ривожланиши эҳтиёжларига жавоб беришини, қўйилган вазифаларнинг, асосан, тўғрилигини тасдиқлади. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги воқелик, кейинги тажриба, уни такомиллаштириш ва партия Дастурига киритиш зарурлигини тақозо этди.

Янги таҳрирдаги Дастур лойиҳасидан партиямизнинг давлатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатини такомиллаштириш масалаларига қарашлари ҳам жой олган. Бу масалалар шунчалик долзарблик касб этдиларки, партиямиз уларга алоҳида эътибор беришни ўзининг ватанпарварлик бурчи, деб ҳисоблайди. Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан юртимизда тинчлик ва барқарорлик сақлаб қолинишига боғлиқлигини Тошкентдаги машъум февраль воқеалари яққол кўрсатди. Лойиҳанинг ушбу қисмида қўйилган вазифалар ўзаро вобаста. Партиямиз ўз ихтиёридаги воситалар орқали ушбу масалаларнинг халқимиз, давлатимиз манфаатлари ўзаро ҳал этилишига ҳисса қўшишга даъват этилган.

Янги таҳрирдаги Дастурнинг ҳар бир бобида муҳим аҳамиятли масалалар юзасидан партиянинг нуқтаи назари ва унинг олдида турган вазифалар баён этилди.

Партия сеҳргар эмас. У ўз Дастурида илгари сурилган ғояларни рўёбга чиқариш фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини тушунади ва халқимизни бундай улуғвор ғояларни ҳаётга татбиқ этишнинг фаол иштирокчиси бўлишга даъват этади.

Ўзбекистон ХДП Низомига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида. Марказий Кенгашнинг ушбу масалага доир умумий ёндошувлари қуйидагилардан иборат. Партиямизнинг амалдаги Низоми қабул қилингандан буён ўтган вақт давомида унинг айрим қоидалари учун зарурат йўқлиги аниқланди. Айни пайтда, Низомнинг баъзи бир қоидаларини кейинги йилларда қабул қилинган Фуқаролик кодекси, Сиёсий партиялар, сайловлар, бошқа қонунлар талабларига мослаштириш, айримларига аниқликлар киритиш зарурати туғилди.

Таклиф этилаётган ўзгаришлар амалдаги партия Низомининг 46та бобидан 34тасига тааллуқли бўлиб, шундан 5таси — матндан чиқариб ташлашга, 15 таси — мослаштиришга ва қолган 14таси — аниқлик киритилишига қаратилгандир. Албатта, бугунги муҳокамалар жараёнида бошқа таклифлар ҳам бўлиши мумкин ва биз уларни диққат билан кўриб чиқиб, энг зарурларини қабул қилишимиз керак.

Бўлажак сайловлар — партиямиз учун жиддий синов

Қурултой кун тартибига киритилган масалалар таҳлили партиямиз олдида турган долзарб вазифаларни белгилаш учун имкон туғдиради. Хўш, улар қандай вазифалар?

Уларнинг биринчиси, — партиямизнинг янги таҳрирдаги Дастурида ифода этилган, истиқболдаги вазифалар. Уларни ҳал этиш узоқ муддат билан бирга, партиямизнинггина эмас, балки, бутун жамиятнинг куч-ғайратини шунга қаратишни талаб этади.

Иккинчи энг муҳим вазифа, бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига бўладиган сайловларда иштирок этиш.

Олий Мажлис XV сессиясининг шу ҳақдаги ҳужжатлари эълон қилиниши биланоқ, Марказий Кенгаш ўзининг XX пленумига йиғилиб, партиямизнинг белгиланган сайловларда фаол иштирок этиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилди. Ўшандан буён ўтган вақт давомида, Марказий Кенгаш раҳбарлигида барча партия ташкилотларида тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Марказий Кенгаш Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари томонидан тақдим этилган тавсияларни диққат билан ўрганиб чиқиб, Олий Мажлис депутатлигига сайлов ўтказувчи барча округлар бўйича партиямиздан номзодларни кўрсатишни лозим топди.

Бўлажак номзодларимиз орасида зиёлилар, давлат ҳамда бошқарув идоралари, корхона ва хўжаликларнинг тажрибали раҳбарлари, партиямиз фаоллари, деҳқонлар, ишчи-хизматчилар, хотин-қизлар, ёшлар, турли жамоат бирлашмаларининг вакиллари бор. Улар халқимизнинг барча тоифалари манфаатларини ифода этувчи кишилардирлар.

Олий Мажлис депутатлигига номзодларимизнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниши биланоқ, **сайловолди ташвиқоти бошланади.** Бунда сайловолди Сиёсий ҳужжатимизнинг аҳамияти беқиёс. Сайловчилар, кўп жиҳатдан, унинг мазмун-моҳиятига қараб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқнинг турмушини яхшилашга доир таклиф ва лойиҳаларимизга, номзодларимизга, қолаверса, бутун партиямизга ба

Ёвузлик

ёхуд халқаро терроризм: Боткен воқеалари

Учинчи мақола

1. Хуруж

Ер юзининг Европа қисмида — Доғистонда, шунингдек, Осиёда — Қирғизистоннинг Боткен туманида юзага келган бугунги танг вазият барчани бирдек ташвишга солмоқда. Чунки халқаро терроризм ваҳшати бугун ҳеч кимга сир эмас. Бундан бир неча ой муқаддам яшнаб турган Доғистон қишлоқларидан бугун вайроналар қолди, холос. Кечагина «қиз чиқараман», «ўғил уйлантираман», деб йиғиниб юрган одамлар бугун шу пулга қурол сотиб олмоқда — ўзини, уйини, юртини ҳимоя қилиш учун!

Боғ-роғлар топталган, шифохоналар яроқсиз ҳолга келган, йўллар, кўприклар яксон бўлган...

Тоғ бағрида жойлашган бу қишлоқларни яшнатиб қўйиш учун бир эмас, бир неча авлодларнинг умри сарфланган эмасмиди?

Уйингни, юртингни босқинчилар оёқости қилса — одам боласи учун бундан оғир жабр ва зулм бўлиши мумкинми, ахир?!.

Ва яна қурбонлар, йўқотишлар, жароҳатлар...

Гарчи Доғистондаги каби беадад талофат кўрилмаган бўлса-да, Боткендаги бугунги нотинчлик, бесаранжомлик, талофатлар кимни безовта қилмайди, дейсиз?

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек Қирғизистоннинг жанубида содир этилаётган беқарорликдан қаттиқ ташвишга тушганлигини, бу таҳдид минтақада нотинч вазият туғдириш хавфини кучайтираётганлигини маълум қилди.

Аслида ҳам худди шундай.

Қиш эшик қоқиб турибди. Шундай бир пайтда йил бўйи қирт-қирт ишлаб етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиб, қишга ҳозирлик кўриш ўрнига бола-чақангни етаклаб қочиб юриш нечоғлик уқубатли. Уйингни, тинчингни, ҳаётингни бузган одам ким? Уни ким деб аташ керак?

Ҳозиргача Қадамжой аҳлининг 1629 нафари, Боткен туманидан эса 4183 киши туғилиб ўсган уйини-жойини, мол-ҳолини, қишлоғини ташлаб, қочиб чиқишди. Жами қочоқлар сони 7 мингга етди. Улар чодирларда, қариндош-уруғлари уйида омонат яшаб турибди. Ва бошпанасиз қолган қочоқлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Тўрт япон геологи, генерал Шамкеев ва яна қанчадан-қанча оддий одамлар террористлар томонидан гаровга олинди. Нене орзу-ҳавасда юрган қанча йигитлар ҳеч кутилмаган ваҳшийликнинг қурбони бўлишди.

«Бораётган тўқнашувлар туфайли атрофда йўллар ҳам ҳувиллаб қолди. Кейинги кунларда бу ерда ҳаёт асарини топиш қийин бўлмоқда. На ён-атрофда, на йўлларда тирик жон кўринмайди. Мол-ҳолдан ҳам дарак йўқ. Одатда, эрталабдан қўйиладиган самовардан чиқадиган тутун ҳам йўқолди», — деб ҳикоя қилади «Озодлик» радиоси ходими Брюс Фанер. Сўнг у шундай савол қўяди:

— Жангариларнинг қўлига тўхтовсиз келиб тушаётган қурол-яроғ қаердан келмоқда?

Бу савол ўринли. Разолатнинг илдизи қаерда? Қаёқдан у куч олмоқда? — демоқчи у. Зеро, илонни ўлдирмоқчи бўлган бошини янчади. Йўқса, яралган илон ёмон зарар етказиши мумкин...

Тажовузкорларнинг бу мудҳиш ҳамласи, унинг битмас-туганмас жароҳатлари халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши муқаррар. Аммо кўпчиликни ўйлантираётган — бошқа масала. Нега шу разолат содир бўлди? Ва у нега ҳеч тап тортмай Ислом дини ниқоби остида қилинаётир?

Бу аччиқ ҳақиқат ҳаёт ҳақида, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеалар ҳақида, бизни қуршаб турган олам, унинг эзгин тарафлари билан бирга заҳарли тиши, ёмонлар ҳақида қайта ва қайта ўйлашга даъват этади.

2. Зиёнкор

Ёмонни айтмай яхши йўқ, деган ҳикмат бор. Боткен воқеалари халқаро террорчилар ўз манфаатлари йўлида тажовуздан ҳам, босқинчиликдан ҳам, қонхўрликдан ҳам тап тортмаслигини яна бир марта намойиш этди.

Яхши ният билан чет элдан келиб, Қирғизистонда тадқиқот ўтказаётган япон геологларининг гуноҳи нима? Нега улар террористлар томонидан гаровга олинди ва шундан буён тутқунликда тутиб турилибди?

Инсоний одоб ва ахлоққа тамомила зид бўлган бу ашаддий зўравонлик нимадан далолат беради?

Агар, қонун нуқтаи назаридан қаралса, бу инсон ҳуқуқларини оёқости қилиш эмасми?

Абрамов музлигидаги муҳим тадқиқот марказини портлатиш, тадқиқотчиларни қувиб юбориш, одамларни саросимага солиш-чи?

Умуман, мустақил давлат чегарасини қонунга хилоф равишда бузиб кириш жиноят эмасми? Қурол ишлатиш, одам ўлдириш, юрт бузиш, талон-торож жаҳолат эмасми, ахир?

Шундай экан, бу қонхўрларнинг «мусулмонобод қиламиз» деган даъвосини қандай тушунмоқ керак? Бу кирдикорларнинг Ислом динига нима дахли бор?!.

«Ё Расулоллоҳ, кимни, қандай одамни мусулмон деймиз?» — деб саҳобалар савол беришганда Расули акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Бировга, жонли ва жонсиз бўлсин, қўли ва тили билан зарар етказмайдиган одамни мусулмон деймиз!»**

Исломий маърифат минг йиллардан буён ҳидоят нури билан кўнгил уйларини ёритиб, маънавий оламга мунавварлик бағишлаб келмоқда.

Эзгулик ҳеч маҳал ёвузлик ва жаҳолатни ўз бағрига сиғдира олмайди. Шунинг учун террористлар Ислом динини ниқоб қилиб Боткенда содир этган кирдикорлар уларнинг ўтмишдошлари қилган разолатлар каби мўмин-мусулмонларни ларзага солди. Ва бу табиий. Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам буюрадиларки:

— Эй одамлар, Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳга қасамки, мўмин мўминга зулм қилмайди, мабодо қилса, қиёмат куни Аллоҳ ундан ўч олади.

Қирғизистонда мўмин-мусулмонга зулм қилаётганлар аслида Аллоҳни унутган зиёнкорлар, инсонийликдан маҳрум ваҳшийлардир.

Шу ўринда бир савол туғилади: террорчилар фақат қўрқитиш, даҳшат солиш учун тажовуз қиладими? Шу йўл билан зимдан ҳокимиятга интиладими?

Ислом динини ниқоб қилиб қон тўкаётган бадбинларнинг хатти-ҳаракати нафақат улардан зулм кўраётган, балки хорижда террор даҳшатларини кузатиб турган ҳар бир кишининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу — бежиз эмас. Аччиқ бир ҳақиқатни бугун ҳар биримиз юрак-юракдан ҳис этиб турибмиз: бу нокаслар ҳидоят сари ундовчи мўътабар динимизга, мўмин-мусулмон шаънига иснод келтирмоқда, рўйрост айтадиган бўлсак, мусулмонлар орасига низо солмоқда, уларни бўлиб ташламоқда, бир-бирига қарши қўймоқда.

Бундан кўзда тутилган муддао нима ўзи? Бу қонли қирғинлар замирида яна қандай яширин мақсад ётибди?

«Ислом миллий анъаналарнинг, ислом маданиятининг Тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай «импорт» қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатади», — дейди Ислом Каримов. Шу «импорт»га «банди» бўлиб қолган ақидапарастлар ўзига сотиб олаётган балою, ўз халқи бошига ёғдираётган кулфат нимадан далолат беради? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак эмасмикин?

3. Мақсад нима ўзи?

Бугун Боткен қишлоқларидан файз ва баракат кўтарилган, яқин-яқингача тинчгина кун кечириб келган одамлар ногаҳоний зулм ва тажовузкорликнинг жабрини тортишмоқда.

Жангари тўдаларнинг изида эса қурбонлар қолмоқда. Қурол кўтариб, бировнинг уйига бостириб кирган зўравондан яна нима кутиш мумкин?

Шоҳидларнинг гувоҳлик беришича, Боткенга ҳамла қилган ёвузлар орасида покистонликлар, араблар, афғонлар, тожиклар ва ўзбеклар бор, бу ҳақда хорижий журналистлар ёзиб чиқишди.

Боткен воқеаларини таҳлил қилар экансиз, кишини бир савол ўйлантиради: нега бу тўда ҳеч кутилмаган бир пайтда Қирғизистонда пайдо бўлди? Қонсираган террористларнинг муддаоси нима? Ва уларнинг ортида қандай кучлар турибди?

Агар жиддий ўйлаб қаралса, бу нуқтада жуда кўп манфаатлар ва мақсадлар кесишганлигини сезиш қийин эмас. Маълум бир кучларнинг зимдан **ҳокимият учун кураши,** маълум бир кучларнинг **Исломни ич-ичидан бузиш ҳаракати,** маълум бир кучларнинг **минтақани олов ичида қолдиришга уриниши,** маълум бир кучларнинг **дунёга ҳукмрон бўлиш истаги...** шулар жумласидандир.

Террористлар айтган мўътабар динимиз билан боғлиқ баландпарвоз даъволар аслида шунчаки, жамоатчиликни чалғитиш учун бир восита, холос. Уларнинг асл мақсади Марказий Осиёдаги осойишталикни издан чиқариш, яъни жамиятимизда яратилган ҳавас қилса арзигулик муҳитни бузиб ташлашдан иборат.

Умуман, бу ҳаракатдан 1992 йил қонуний ҳокимиятни ағдариш учун Тожикистонда содир этилган қонли қирғинларнинг совуқ нафаси келаётгани йўқми? Одамларнинг уйини, тинчини бузиш, қишлоқларни вайрон қилиш, осуда ҳаётни издан чиқариш кимга керак ўзи?

Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши котибининг расмий маълумотларига таяниб, шуни айтиш мумкинки, Боткендаги террористлар Афғонистон ва Покистонда жойлашган жангарилар тайёрловчи базалардан келаётган кучлар орқали ўз сафларини тўлдираётир.

Нега?

Чунки улар бу ҳудудни ўз таъсир доираларида тутиб туришни истайди.

Нима учун?

«Бу ҳудуд улар учун сув билан ҳаводек зарур, чунки гиёҳванд моддалар трассаси шу ердан ўтади, шунинг учун ҳам улар Хитой, Тожикистон ва бирлашган тожик мухолифати тасарруфидаги Ғарм билан Жирғатолдан стратегик аҳамиятга молик йўл келиб туташадиган Сари Тошдаги марказларига таяниб, бу ҳудудда тўла ўз ҳукмларини юритишни истайди. Бу йил Афғонистонда ақл бовар қилмайдиган даражада — 4600 тонна гиёҳванд модда етиштирилди ва унинг каттагина қисмини Қирғизистоннинг жанубий орқали олиб ўтиш кўзда тутилмоқда. Бу — террористлар учун ҳаёт-мамот масаласи — қурол-яроғ, кийим-бош ва озиқ-овқат демакдир». («В конце недели» газетаси, 1999 йилнинг 24 сентябри).

Қирғизистон Хавфсизлик кенгашининг котиби Бўлат Жонузоқовнинг таъкидлашича, **«Шимолий йўналишдаги наркотик моддалар ғайриқонуний савдосининг етмиш фоизи Жума Намангонийнинг қўлидадир».**

Бу — масаланинг бир томони, масаланинг иккинчи томони — террористлар Марказий Осиёда ҳам ўзлари қўпорувчиликдан сабоқ олган ўлкалардаги каби беқарор вазият яратишса, эмин-эркин яшашади, билган кирдикорини содир этишади. Улар қонун ва адолат устувор жамиятни йўқ қилишни истайди. Қолаверса, жангарилар лагерларида умри ўтган, қирғин ва қўпорувчиликдан бошқани билмаган террорист бойўғлидай вайронани хуш кўради, маърифатни босиб-янчиб ўтишни истайди. Бундайлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Булар учун муайян бир халқнинг орзу-ҳавас, миллий шараф ва озодлик деган тушунчалари аслида зиғирча қадрга эга эмас. Зеро, минг йиллардан буён жодугар, ялмоғиз, дажжол деган тасаввурлар бежиз яшаб келмаётир. Ўтмишда неки бўлган, у ҳозир ҳам бор.

Шунинг учун ҳам сувнинг тиниқлиги, осмоннинг мусаффолиги азиз. Шунинг учун ҳам эзгулик мўътабар. Шунинг учун ҳам Расули акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам айтганларки, **остона ҳатлаб ҳар уйга қадам босганда «Ассалому алайкум!» — денглар. Бу «Сизга тинчлик тилайман!» — деганидир. Тинчлик эса ер юзидаги энг буюк неъмат!**

Маънавият

Ғаффор ҲОТАМОВ,
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Ариққа тупурма, болам...

Ариққа тупуриш, супуриш қоларса чангитиб супуриш ёки ахлатларни тўплаб қўйиш каби қусурларни боболаримиз ҳамиша ман этиб келишган. Боиси, саранжом-саришталик, ҳовли-жой ва бошқа яшаш масканларини покиза тутиш ўзбекона удумлардан саналади. Кейинги пайтларда юртимизда атроф-муҳит тозалигини сақлашга алоҳида эътибор қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Яқинда пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 81-мактабда ўтказилган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди. Уни республика Халқ таълими вазирлиги билан ёшларнинг «БиоЭкосан» ўқув-услубий мажмуаси ташкил этган. Йиғилишда ёшларга атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳақида мулоҳазалар айтилди. «БиоЭкосан» раҳбари Э. Турдиқуловнинг маърузаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Йиғилиш мактаб ва 396-боғча тарбияланувчиларининг ўзига хос чиқишлари билан якунланди.

Шаҳло ШОИСЛОМОВА

Корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари, ишбилармон ва тадбиркор жаноблар диққатига!

Очиқ турдаги «Эски Жўва» бозори акциядорлик жамияти

Сизларни номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларни сотиб олишга

таклиф этади

Агарда сиз бозор акцияларини сотиб олсангиз, молиявий аҳволингиз янада ошишига кафолат берамиз.
Хонимлар ва жаноблар! «Эски Жўва» бозори акцияларини сотиб олишга шошилинг!

Тўлов усули - нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28.
Телефонлар: 42-46-90, 42-52-46.

НДТнинг Сеул конференцияси

Шу йил 10 октябрда Корея Республикасида дунёдаги барча мамлакатлар нодавлат ташкилотларининг умумжаҳон конференцияси иш бошлади. Ушбу анжуманда XXI асрда янги демократиянинг таянч нуқтаси бўлиши тахмин қилинаётган ва жаҳон ҳамжамиятининг турфа муаммоларини ечишда улкан таъсир кучга эга халқаро нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқдалар.

Корея Президенти Ким Де Жунгнинг рафиқаси Ли Хи Хо ташкилий қўмитага фахрий раис ҳисобланган бу конференциянинг мавзуси «XXI асрда нодавлат ташкилотларининг ўрни» деб аталади. Тадбирга Кореянинг Нодавлат ташкилотлари конференцияси ва «Кёнхи» университети ҳомийлик қилаётир.

Сеул конференцияси котибияти маълумотига қараганда, йиғинда жаҳондаги 809 та нодавлат ташкилотларининг вакиллари иштирок этиш истагини билдирганлар. Уларнинг 481 таси дунёнинг 91 мамлакатидаги нодавлат ташкилотлари вакиллари бўлса, қолган 328 таси маҳаллий ташкилотларга мансубдир. Анжуманда шунингдек, Осиё атроф-муҳит жамияти, Халқаро амнистия, Жаҳон назари каби халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашаётганини эътиборга олсак, жами иштирокчилар сони 5300 нафарни ташкил этади.

Конференцияда қатнашчилар янги асрда тинчлик ва хавфсизлик, таълим, қариялар, атроф-муҳит, саломатлик ва фаровонлик, ижтимоий тараққиёт ҳамда этика муаммоларини муҳокама этиб, бу борада ўзаро бирдамлик ва ҳамкорлик қилиш юзасидан фикрлашиб олишни режалаштирган.

Қатнашчилар 15 октябрь куни анжуман ниҳоясида «Сеул баённомаси»ни имзолашни мўлжаллашмоқда.

Кўпайсин АЛИЕВА

Артур яна байроғимизни кўтарди

Ўтган дам олиш куни яна хушхабар тарқалди. Германиянинг Обер-хаузен шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган курашда машҳур чарм қўлқоп устаси, олтин камар соҳиби Артур Григорян тўққизинчи марта ўз унвонини сақлаб қолганлиги маълум бўлди. Бу сафар Артур енгилмас номини олган америкалик Майкл Кларк билан жанг қилди. Бу боксчи шу пайтгача 24 та учрашув ўтказиб, бирон марта ҳам мағлубият аламини тортмаган эди. Энг қизиғи у ғалабаларини 13 тасини накаут билан якунлаган. На чора, зўрдан зўр чиқса ҳар қандай имконият ҳам бой берилаверади-да. Артур қизғин ва муросасиз баҳснинг бешинчи раундидаёқ рақибини мағлубиятга учратди. Боксчимиз шарафига яна байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз таралди.

Олимпиадаолди синови

Бишкекда учинчи марта ўтказилган Марказий Осиё ўйинлари якунланди. Бу мусобақа барча спортчилар учун келаси йили Сиднейда ўтказиладиган олимпиада олдидан ўзига хос синов вазифасини ўтади. Мамлакатимиз вакиллари имкониятларидан етарли фойдаланишга ҳаракат қилишди. Улар спортнинг саккиз тури бўйича баҳслашиб, 69 та медаль жамгаришди. Шундан 17 таси олтин, 27 таси кумуш ва 25 та бронза медалидир. Бу муваффақиятга бокс, юнон-рум ва енгил атлетика бўйича муносиб ҳисса қўшилди. Муҳими мутахассисларимиз мусобақа мобайнида янги иқтидорларни кўз остига олдилар, моҳир спортчиларимизни эса янада яхшироқ иштирок этишлари учун нималарга эътибор қилишлиги кераклиги ҳақида хулоса чиқардилар.

Фахрли ўринни кўзлаб

Яна бир неча тур учрашувларидан кейин мамлакат миллий футбол чемпионати якунланади. Ҳозир ҳар бир жамоа ўз мавқеини мустаҳкамлашга куч бермоқда. Ҳалигача қайси жамоанинг чемпион бўлиши мумкинлиги ойдинлашгани йўқ. Хусусан карвонбоши бўлиб турган «Дўстлик»нинг «Насаф» майдонида ютқазиб (0:2) қўйиши ҳам шундан нишона. Ёки иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» футболчиларининг ўз майдонларида «Навбаҳор»дан (0:2) енгилиши ҳам мухлисларни ҳайратга солди. Совринли ўринлардан бирига даъвогар бўлиб турган «Самарқанд» жамоаси эса «Сўғдиёна» майдонида ўйнаб аранг дарвозаси бедаҳллигини (0:0) таъминланди. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Хоразм» — «Андижон» — 0:1, «Зарафшон» — «Сурхон» — 2:1, «Бухоро» — «Трактор» — 1:1, «Металлург» — «Янгиер» — 5:1, «Пахтакор» — «Темирйўлчи» — 3:2.

Халқ банки — халқ хизматида

Диққат, янгилик!

Омонатларга қўйилган бўш пул маблағларингиз бўйича 1500 фоизгача даромад олишни истайсизми?

Бундай имкониятни Сизларга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки яратиб беради.

Халқ банки 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб

«Жамғарма»

ютуқли омонатини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга 5000 сўм маблағ қўйиб, ҳар ойда 1000 сўмдан мунтазам равишда қўшимча бадал қўйиб борсангиз, мазкур омонат бўйича бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра омонат қолдиғининг 1500 фоизигача бўлган пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.
Бу омонат тури бўйича 1500 фоизгача бўлган ютуқ даромадларидан ташқари, очилган ҳар бир ҳисоб варақасига, қўшимча равишда, қўйилган жамғармалар бўйича йиллик 5 фоиз миқдорида фоиз даромади ҳам тўланади.
Сиз Халқ банкининг исталган туман ёки шаҳар бўлимига мурожаат қилиб, ҳисоб варақасини очишингиз мумкин.

Халқ банки ўз маблағларингиздан самарали фойдаланишингиз ва катта миқдордаги сармояга эга бўлишингизга кафолат беради.

Қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман ва шаҳар бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-89-36, 78-53-63.

Банкимиз мижози бўлишга шошиланг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки

BANK XALQ BANKI
DAVLAT-TIJORAT XALQ BANKI
STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни

сотади

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» матбуот хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Ґазета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Банк хизматларининг янги тури бўлган замонавий, ишончли тўлов воситаси —

«Американ Экспресс» йўл чекларини таклиф этади

Энди чет элда юрганингизда пул операциялари ўтказиш ва ҳисоб-китоб қилиш анча қулай бўлади. «Американ Экспресс» йўл чеклари бутун дунёда энг оммабоп тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас:



- *«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШда эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;*
- *миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;*
- *«АмериканЭкспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;*
- *йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин. Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;*
- *Чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки олдириб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу пулингизни 100% ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.*

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83

Сиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимида йўл чекларини сотиб олишингиз мумкин.

Саёҳатда яхши дам олишингизни ва амалий сафарларингиз қулай ўтишини тилаймиз.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Ҳамид ИКРОМОВ,
навбатчи
Қўчқор НОРҚОБИЛ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Китоб — содиқ дўст. *Абдурасул ПАРДА олган сурат*

Пул — белга қувват, йиғим-теримга рағбат

Навоий вилояти пахтакорлари терим суръатини бир дақиқа ҳам бўшаштирмаяптилар. Кўпминг килограммчи теримчилар ҳаракати, кўмакка келган ҳашарчилар, ҳиммати баланд талабалар мадади туфайли ҳар куни вилоятда йиллик режанинг 3-3,5 фоизи миқдорида саноат хомашёси тайёрланяпти. Жорий йилда 120 минг тонналик пахта хирмони уюшга қарор қилган навоийликлар кунлик ўсишда пешқадам вилоятлардан асло қолишмаяпти. Энг қувонарлиси, ҳар беш кунда меҳнатга ҳақ тўланаётганлигидир. Пахта териб, ҳар беш кунликда 10-15 минг сўмгача пул олаётган оилалар кўп. Булар қаторига навбаҳорлик Қ. Ҳошимовани, навоийлик И.Икромовани, қизилтепалик Д. Мансуровани киритиш мумкин. Улар мавсум бошидан буён 35-40 минг сўмгача нақд пул олишди. Пешқадам механик ҳайдовчиларга келсак навбаҳорлик О. Рўзиев, А. Тўлаев олдига тушадигани йўқ. Ҳозирдаёқ улар 50-60 минг сўмгача иш ҳақи олишди.

- Пул белга қувват, кунлик суръат учун эса моддий рағбатдир,- дейди ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Чинпўлат Қаноатов.- Қарийб 500 миллион сўм пахтакорларга тарқатилди. Ҳар бир хўжаликка банк тизими бўйича ўз вакилларимизни юборганмиз. Қарор асосида ишлаш, пахта мавсумида узилишларга ёки маблағ етмай қолишига йўл қўймаслик мақсадида бошқармамизга қарашли ҳар бир банк бўлими қошида ишчи гуруҳларини тузганмиз. Бу гуруҳларнинг асосий вазифаси пахта йиғим-теримида қатнашаётганларнинг иш ҳақи, пахта учун кетган харажатларнинг сарҳисоби, кирим-чиқими билан шуғулланишдир. Аниқроғи, бу гуруҳ банк хазинасидан чиққан нақд пулнинг теримчи ёки механик ҳайдовчи қўлига тегишигача бўлган ҳолатга жавоб беради.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Динозавр тухуми ўғирланди

Куни кеча Олмониянинг Қуйи Саксония федерал ерига қарашли Мюнхехаген шаҳридаги «Фрайлихт» музейидан динозаврнинг ноёб тухуми номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Бу ноёб тухум музейга топширилишига қадар бир қанча вақт ер тагида ётган бўлишига қарамай, бус-бутун ҳолда 95 миллион йилдан буён сақланиб келаётган эди деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

Музей бошлиғининг таъкидлашича, шу сингари топилмалар дунёда саноқли бўлгани учун баҳосиздир.

Полиция бошқармаси берган маълумотга кўра, ўғрилар музейга ҳеч ким йўқ вақтда музей ойнасини синдириб киришган. Баъзи тахминларга қараганда, жиноятчилар хусусий коллекцияچилар буюртмаси бўйича иш кўришган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирча изқуварлар жиноятчилар изига тушганича йўқ.

Музей маъмурияти жиноятчилар ҳақида маълумот берган кишига 10 минг дойче марка мукофот пули эълон қилди.

«Ўзимни ҳимоя қилдим...»



1997 йили Эвандер Холифилд билан рингга тушган оғир вазндаги собиқ чемпион Майк Тайсон рақибининг ўнг қулоғидан тишлаб «донг» таратган эди. У шу йилнинг 26 октябрида бизга таниш бўлган Лас-Вегасдаги MGM Grand Garden Arena залида Орлина Норисага қарши рингга тушади. Бу ҳақда М. Тайсон шундай дейди.

— Агар ҳакамлар яна ноҳақлик қилиб жангни тартибга солиб турмаса, мен олдинги мудҳиш воқеа такрорланмайди деб айта олмайман.

Бу баёнот шубҳасиз рақиби О. Норисани ҳушёр бўлишга даъват қилган бўлса ажабмас.

М. Тайсоннинг таъкидлашича, Э. Холифилд билан рингга тушганида, рақиби нотўғри жанг қилади, яъни калла қўяди. Агар у ўша вақтда тишлаб олмаганида, Э.Холифилд М. Тайсоннинг қошини қонга бўярди.

— Мен рингда жанг қилаётганимда, рақибим нотўғри жанг қилса ҳакамлар жим тураверишади, — дейди Тайсон. — Бунга бирор-бир чора кўришмайди. Сени ҳеч ким ҳимоя қилмагандан кейин ўзингни ўзинг ҳимоя қилишга мажбур бўласан-да. Бўлиб ўтган воқеада менинг заррача айбим йўқ деб ўйлайман, чунки мен унда ўзимни ўзим ҳимоя қилганман. Бу ҳар бир инсон табиатига хос хусусият. Мен одамларга ялинишни ёмон кўраман, шунинг учун ўзимни оқлашга ҳаракат қилмадим. Чунки мени ҳеч ким эшитмасди ва бу улар учун қизиқ ҳам эмасди. Ҳатто, менга сўзлашга ҳам имкон беришмасди.

М. Тайсон «донг» таратган иши учун 15 ойга рингдан четлаштирилган эди. Кейин эса у зўрлашда айбланиб, ҳибсга олинди. Ўтган январь ойида у яна рингга қайтди. Озодликка чиққач, Франсуа Ботo билан рингга тушиб, рақибини накаутга учратди. Ғалаба нашидасидан маст бўлиб юрган Тайсон яна ҳибсга олинди. Бунга сабаб, икки кишини уриб мажруҳ қилгани эди.

Шу йилнинг май ойида М. Тайсон озодликка чиқди. Яхшигина тарбияланиб чиққан Тайсон журналистларга берган интервьюсида шундай дейди.

— Мен ҳамма нарсага кўл силтаб, АҚШдан бош олиб кетмоқчи эдим, лекин оилам мени шу ерда қолишга мажбур қилаяпти.

М.Тайсоннинг суюкли хотини ва тўрт нафар фарзанди бор. Бундан кейин у фақат оиласи учун рингга тушади.

Ҳ. ҲАМИДОВ тайёрлади

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят ходими Хайрулла Ибодовга укаси **Жумакул ИБОДОВнинг** фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.
Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.
Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.